

« ТАСДИКЛАЙМАН »

**Авдувахобов Абдусалом Давронович
Якка тартибдаги тадбиркор**

А.Д. Авдувахобов

«25» июл 2020 йил

Нуробод тумани Тим кишлогида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор Авдувахобов Абдусалом Давронович томонидан жайдари зотли кучкорларни бурдокилаш мақсадида кредит маблағларини йуналтириш асосида 3 йил муддатга ишлаб чиқилган

Б И З Н Е С Р Е Ж А



Нуробод тумани

2020 йил

МАЗМУНИ

- 1. Якка тартибдаги тадбиркор хакида кискача маълумот.*
- 2. Ишлаб чиқариш режаси.*
- 3. Молиявий режа*
- 4. Махсулот харажатлари*
- 5. Якуний молиявий натижа ва туловлар*
- 6. Хулоса*

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР ХАКИДА КИСКАЧА МАЪЛУМОТ

Якка тартибдаги тадбиркор Авдувахобов Абдусалом Давронович Нуробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2017 йил 30-октябрдаги № 550791- сонли реестри билан Давлат руйхатига олинган.

Фаолият олиб бориладиган манзил: Нуробод тумани Тим кишлоғи

Банк реквизитлари:

Самарканд Агро банк Нуробод филиали

х/р 20208000600813151002

МФО: 00394

ИНН: 305113377

Якка тартибдаги тадбиркор шу кунгача йилкичилик билан шугулланиб келган, эндиликда эса, уз фаолиятини кенгайтириш яъни чорва молларини бокиш орқали аҳолининг гушт маҳсулотларига булган талабларини нисбатан кондиришга қаратилган, чорва моллари, жайдари зотли кучкорларни бурдокилаш натижасида гушт маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосида фаолият олиб боришни режалаштирмоқда. Кредит маблағидан самарали фойдаланиш орқали чорвачиликни ривожлантиришни уз олдиға мақсад қилиб қуйган, натижада аҳолининг гушт маҳсулотларига булган талаби нисбатан кондирилади.

Мазкур фаолиятни амалға ошириш учун кучкорлар ҳамда ем-хашак сотиб олиш учун Самарканд Агробанк Нуробод филиали ҳисобидан **100 000 000 (юз миллион)** сум миқдорида 3 йил муддатга 21 % устама шундан 6 % (фоиз) и Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит маблағи зарур ҳисобланади

ИШЛАБ ЧИКАРИШ РЕЖАСИ

Якка тартибдаги тадбиркор уз максadini узи ишлаб чиккан жайдари зотли кучкорларни хар 70 кунда (бир йилда 5 марта) бурдокилаш асосида семиртириш системаси оркали амалга оширишни режалаштирган. Бунинг учун кучкорларни сотиб олиш, бурдокилаш учун кетадиган харажатлар учун Агробанк Нуробод филиалидан 100 000 000 (юз миллион) сум кредит маблаглари олиш режалаштирилган.

Бизнес режанинг кискача мазмуни: ёши 1 ешдан катта, тирик вазни 40-45 кг булган жайдари зотли кучкорларни 70 кунда бурдокилаш оркали семиртириб, натижада хар бир бошдан уртача 40 кгдан гушт етиштириб сотиш.

Хар бир йилни 5 ($365/70=5,2$) даврга булиб, хар бир бурдокилаш даврини 70 кунда якунлаш режалаштирилган. Хар бир даврни озиклантириш буйича 3 этапга буламиз, биринчи ва иккинчи этап 23 кундан, учинчи этап эса 24 кунга тугри келади ($23+23+24=70$). Бундай килишдан махсад: кучкорларни беда пичанини бошлангич этапда купрок микдорда ва кейинги этапларда камайтириб бориш, арпа ва шелухани эса аксинча, биринчи этапда камрок ва колган этапларда купайтириш оркали семиртириш купрок самара беради.

Демак, режамиз 3 йилга мулжалланган булса, шу 3 йил ичида 15 та даврни уз ичига олади, яъни 2020 йил август ойида бошланиб, тахминан 2023 йилнинг 17 июнида тугайди. Хар бир давр олдигисига нисбатан кучкорлар сонини 10 бошга купайиши билан фарк келади. Режамиз буйича кучкорлар сони биринчи даврда 50 бошдан ташкил этиб, 15 чи даврда 190 бошни ташкил этиши режалаштирилган.

Бунинг учун якка тадбиркор балансида хосилдорлиги яхши яйлов ва 200 та куй саклаш имконини берувчи бино (утов), ва 152 кв.метр майдонли омбор мавжуд.

Келинг, хар бир жайдари зотли кучкорни суткалик 0.250 кг семириши учун кетадиган харажатларни хисоблайлик:

Бир бош жайдари зотли куй 1 кг семириши учун 11-12 озика бирлиги зарур хисобланади. Демак суткалик 0.250 кг семириш учун 2.75 – 3 озика бирлиги талаб этилади. Куйлар эчки, йилки ва туялар сингари яйлов чорваси булганлиги сабабли асосий озикани яйловлардан олади. Биз куйларни бурдокига бокаётганимиз учун уларга кушимча озикалар беришимизга тугри келади. **Яйловдан 1 бош куй йилига 400-450 озика бирлиги олади, бу дегани суткасига 1,1 – 1,2 озика бирлиги дегани.**

Маълумки 1 кг арпада 1,2 озика бирлиги, 1 кг беда пичанида 0,49 озика бирлиги ,1 кг шелухада 0,3 озика бирлиги мавжуд. Кучкорларни эса бир кунда 0,250 кг семиртириш режалаштирилган.

Жадвал №1

Курсатгич	Улчов бирлиги	Озука бирлиги	Озука бирлиги
Яйловда бокиш			1,1
Арпа	0,56 кг	1,2	0,68
Беда пичани	1,73 кг	0,49	0,85
Шелуха	1,23 кг	0,3	0,37
Жами:			3,0

Демак бир бош жайдари кучкорни суткасига 0,250 кг семириши учун 3 озика бирлиги зарур. Демак, ишлаб чиқариш режамизга асосан махсулот айланиши хар 70 кунда, бундан келиб чиқиб $0,250 \text{ кг} \times 70 \text{ кун} = 17,5 \text{ кг}$ ни ташкил этади.

Бурдокига бокиш учун сотиб олинган хар бир бош жайдари зотли кучкор 40-45 кг дан тирик вазнга эга эди. бундан гушт 20-22,5кг ни ташкил этади. Режамизга асосан бурдокига боқилгандан кейин хар бир кучкор 70 кг тирик вазнга эга булади. Суйилгандан сунг хар бир бошдан 36-40 (уртача 38) кг дан гушт махсулотини ташкил килади,

Якка тартибдаги тадбиркор уз фаолиятини амалга ошириш давомида ташки мухит таъсирида носоглом вазиятлар келиш эхтимолини бартараф этиш учун белгиланган тартибда ветеринария хизмати, санитария эпидимология инспекциясини ва сугурта ташкилоти билан узаро алоқада муносабат мажбуриятларини тузади.



МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Якка тартибдаги тадбиркорнинг 3 йил давомида гушт етиштириш ва сотишдан тушган тушум акс эттирилган.

Жадвал № 2

Давр №	Куйлар сони, дона	Уртача хар бир куйдан гушт чикиши, кг	Жами махсулот чикиши, кг	Уртача бир бирлик махсулот бахоси (сум)	Сотишдан тушган тушум (минг сум)
1	50	38	1 900	53 000	100 700,00
2	60	38	2 280	53 000	120 840,00
3	70	38	2 660	53 000	140 980,00
4	80	38	3 040	53 000	161 120,00
5	90	38	3 420	53 000	181 260,00
6	100	38	3 800	53 000	201 400,00
7	110	38	4 180	53 000	221 540,00
8	120	38	4 560	53 000	241 680,00
9	130	38	4 940	53 000	261 820,00
10	140	38	5 320	53 000	281 860,00
11	150	38	5 700	53 000	302 100,00
12	160	38	6 080	53 000	322 240,00
13	170	38	6 460	53 000	342 380,00
14	180	38	6 840	53 000	362 520,00
15	190	38	7 220	53 000	382 660,00
Жами:					3 625 200,00

3 йиллик режамизга асосан гушт сотишдан тушадиган тушум **3 625 200,00 минг сумни** ташкил этади.

МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

Энди режани амалга ошириш билан боғлиқ булган харажатлар қисмига утсак. Харажатлар қуйидагича булади:

1. Хом аше ва материаллар (бизнинг вариантимизда кучкорлар сотиб олиш таннари, беда ва омухта ем сотиб олиш харажатлари);
2. Иш хақи ва унга тенглаштирилган харажатлар;
3. Солиқ ва кредит фоизлари;
4. Бошка харажатлар.

1. Режамизга асосан, 3 йил мобайнида 15 та давр кузда тутилган булиб, биринчи даврда 50 бош кучкор сотиб олиб боқиш, кейинги даврда олдинги даврга нисбатан 10 бош купайтириш ва хоказо, охирги ун бешинчи даврга келиб кучкорлар сонини 190 тага етказиш мақсад қилиб қуйилган.

Демак 3 йил мобайнида умумий ҳисобда 1800 та қуй сотиб олинади. Уртача ҳар бир қуйнинг нархи 1 100 000 сум дан ҳисоблаймиз. Барча қуйларни олиш учун кетадиган харажатлар **1 980 000 000,00 сумни ташкил қилади.**

Қушимча озика сифатида беда пичани, арпа ва шелуха сотиб олиш учун кетадиган харажатларни ҳисоблашдан олдин ҳар бир даврда қанча қушимча озика талаб этилишини жадвал тарикасида қураимиз. Ҳар бир даврда қуйлар сони купайиши кузда тутилгани сабабли фақат 1 чи давр учун жадвални тузиб чиқамиз. Унда озиклантиришни 3 этапда қуришимиз мумкин.

Жадвал №3

Озика номланиши	битта куйни 1 кунлик овкатлантириш, кг	Куйлар сони, дона	Бурдокилаш куйни	Жами омухта ем микдори, кг
I ЭТАП (23 кун)				
арпа	0,4	50	23	460
пичан, беда)	2	50	23	2300
шелуха	1	50	23	1150
II ЭТАП (23 кун)				
арпа	0,5	50	23	575
пичан, (беда)	1,7	50	23	1955
шелуха	1,2	50	23	1380
III ЭТАП (24 кун)				
арпа	0,8	50	24	960
пичан, (беда)	1,5	50	24	1800
шелуха	1,5	50	24	1800

Юкоридаги жадвал маълумотларидан шу нарса маълум булдики, биринчи даврдаги 50 бош кучкорни бурдокилаш учун кушимча озика тарикасида арпа, беда ва шелуха танланган, ва шу 50 бош куйни 70 кун давомида бурдокилаш учун умумий хисобда 1995 кг арпа, 6055 кг беда ва 4330 кг шелуха зарур.

Кейинги даврларда куйлар сонининг ошиб бориши кушимча озиканинг хам купайиши талаб этилади, шунинг учун 15 та давр мобайнида талаб этиладиган беда ва омухта ем микдорини куйидаги жадвалда акс эттирдик.

Жадвал № 4

Давр№	Озука		
	Арпа, кг	Беда, кг	Шелуха, кг
1	1 995	6 055	4 330
2	2 394	7 266	5 196
3	2 793	8 477	6 062
4	3 192	9 688	6 928
5	3 591	10 899	7 794
6	3 990	12 110	8 660
7	4 389	13 321	9 526
8	4 788	14 532	10 392
9	5 187	15 743	11 258
10	5 586	16 954	12 124
11	5 985	18 165	12 990
12	6 384	19 376	13 856
13	6 783	20 587	14 722
14	7 182	21 798	15 588
15	7 581	23 009	16 454
Жами:	71 820	217 980	155 880

Юкоридаги жадвалдан куришиб турибдики, 3 йил мобайнида 71820 кг арпа, 217980 кг беда пичани ва 155 880 кг шелуха талаб этилади.

Беда пичани, арпа ва шелуха сотиб олиш учун 3 йил мобайнида кетадиган харажатлар куйидаги жадвалда уз аксини топади:

Жадвал № 5

Озука номи	Микдори, кг	Уртача нархи, сум	Сумма, минг сум
Арпа	71 820	2 100,00	150 822,00
Беда	217 980	1 000,00	217 980,00
Шелуха	155 880	1 450,00	226 026,00
Жами	445 680		594 828,00

Беда, арпа ва шелухага 3 йил мобайнида кетадиган харажатлар 594,828 млн сумни ташкил этмоқда

2. Иш хаки ва унга тенглаштирилган харажатлар.

Тадбиркор бизнес режада кузда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун ишчи кучи талаб этилади. Биринчи йилда 2 (икта) ишчи, кейинги йилларда ишчилар сонини ошиб бориши, 2023 йилнинг июнь ойига келиб эса ишчилар сони 4 тага етиши кузда тутилган.

Жадвал № 6

Т/р	Харажатлар тури	2020 йил Харажат 5 ой (минг сум)	2021 йил Харажат (минг Сум)	2022 йил Харажат (минг сум)	2023 йил Харажат 9 ой (минг сум)
1	2	3	4	5	5
1	Ишчилар сони, киши	2	3	4	4
2	Иш хаки фонди	7 620,00	27 432,0	36 576,00	18 288,00
	Жами иш хаки фонди	7 620,00	27 432,00	36 576,00	18 288,00
3	Иш хаки фондидан пенсия жамгармасига ажратма 15 %	1 143,00	4 114,8	5 486,40	2 743,20
	ЖАМИ:	8 763,00	31 550,00	42 062,40	21 031,20
	3 йилга				103 406,60

3. Солик ва кредит харажатлари.

Якка тартибдаги тадбиркор ягона солик туловчиси хисобланади. Тушган даромаддан давлат бюджетига 2 % солик тулайди.

Кредит масаласига келсак, куйида банк томонидан хисобланган кредит тулаш жадвали акс этган

Якка тартибдаги тадбиркор Авдувахобов Абдусалом Давронович учун Самарканд вилояти АгроБанк Нуробод тумани филиали томонидан берилган имтиезли кредитни тулаш графиги

<i>Кредит олинган сана</i>		<i>1 август 2020й.</i>
<i>Кредит суммаси, минг сум</i>		<i>100 000,00</i>
<i>кредит фоизи</i>		<i>15%</i>
<i>Кредит муддати, ой</i>		<i>36</i>

Тулов №	Сана	Умумий тулов	Кредит танаси	Фоизи	Колдик сумма
№ 1	31.08.2020	3 466,53	2 216,53	1 250,00	97 783,47
№ 2	30.09.2020	3 466,53	2 244,24	1 222,29	95 539,23
№ 3	30.10.2020	3 466,53	2 272,29	1 194,24	93 266,94
№ 4	30.11.2020	3 466,53	2 300,70	1 165,84	90 966,24
№ 5	30.12.2020	3 466,53	2 329,45	1 137,08	88 636,78
№ 6	30.01.2021	3 466,53	2 358,57	1 107,96	86 278,21
№ 7	28.02.2021	3 466,53	2 388,06	1 078,48	83 890,16
№ 8	28.03.2021	3 466,53	2 417,91	1 048,63	81 472,25
№ 9	28.04.2021	3 466,53	2 448,13	1 018,40	79 024,12
№ 10	28.05.2021	3 466,53	2 478,73	987,80	76 545,39
№ 11	28.06.2021	3 466,53	2 509,72	956,82	74 035,67
№ 12	28.07.2021	3 466,53	2 541,09	925,45	71 494,59
№ 13	28.08.2021	3 466,53	2 572,85	893,68	68 921,74
№ 14	28.09.2021	3 466,53	2 605,01	861,52	66 316,72
№ 15	28.10.2021	3 466,53	2 637,57	828,96	63 679,15
№ 16	28.11.2021	3 466,53	2 670,54	795,99	61 008,61
№ 17	28.12.2021	3 466,53	2 703,93	762,61	58 304,68
№ 18	28.01.2022	3 466,53	2 737,72	728,81	55 566,96
№ 19	28.02.2022	3 466,53	2 771,95	694,59	52 795,01
№ 20	28.03.2022	3 466,53	2 806,60	659,94	49 988,42
№ 21	28.04.2022	3 466,53	2 841,68	624,86	47 146,74
№ 22	28.05.2022	3 466,53	2 877,20	589,33	44 269,54
№ 23	28.06.2022	3 466,53	2 913,16	553,37	41 356,38
№ 24	28.07.2022	3 466,53	2 949,58	516,95	38 406,80

№ 25	28.08.2022	3 466,53	2 986,45	480,08	35 420,35
№ 26	28.09.2022	3 466,53	3 023,78	442,75	32 396,57
№ 27	28.10.2022	3 466,53	3 061,58	404,96	29 335,00
№ 28	28.11.2022	3 466,53	3 099,85	366,69	26 235,15
№ 29	28.12.2022	3 466,53	3 138,59	327,94	23 096,56
№ 30	28.01.2023	3 466,53	3 177,83	288,71	19 918,73
№ 31	28.02.2023	3 466,53	3 217,55	248,98	16 701,18
№ 32	28.03.2023	3 466,53	3 257,77	208,76	13 443,42
№ 33	28.04.2023	3 466,53	3 298,49	168,04	10 144,93
№ 34	28.05.2023	3 466,53	3 339,72	126,81	6 805,20
№ 35	28.06.2023	3 466,53	3 381,47	85,07	3 423,74
№ 36	28.07.2023	3 466,53	3 423,74	42,80	-
Σ		124 795,08	100 000,00	24 795,19	

ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖА ВА ТУЛОВЛАР

Якуний мойвий натижа ва туловлар куйидаги жадвалда уз аксини топади.

Жадвал № 8

№	Курсаткичлар	Сумма, (минг сум)
1.	Махсулот етиштириш ва сотиш	3 625 200
2	Кучкорлар сотиб олиш таннархи	1 980 000
3	Озука харажатлари	594 828
4	Ишлаб чиқаришга сарфланган умумий харажат	2 574 828
5	Солик тулангунгача умумий даромад	1 050 372
6	Ягона солик (2 %)	72 504
7	Кредит фоизи (15 %)	24 795
8	Кредитнинг кайтарилиши	100 000
9	Бошка харажатлар	100 000
	Соф фойда	753 073

ХУЛОСА

Банкнинг ҳамкорликдаги фаолияти, кредит маблағи бериш кафолати натижасида, ушбу маблағнинг ўз вақтида берилиши, унинг ўз вақтида ва мақсадли фойдаланиши, Якка тартибдаги тадбиркор томонидан гўшт етиштириш, ишчи кучи етарли булгани холда олинган кредит маблағининг устамаси билан ўз вақтида қайтариш имкониятига эгадир. Ушбу маблағдан фойдаланиш натижасида аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган талаби нисбатан туларок кондирилади. Бу эса Республикамизда, жумладан Самарканд вилоятида ишлаб чиқаришни ривожлантиришда Якка тартибдаги тадбиркорнинг уз хиссани кўшгани алохида ахамият касб этади.

Лойихани ишлаб чикди

Якка тартибдаги тадбиркор _____ **Абдувахобов А.Д.**